

Сўнгги йилларда гвардейский деб номланган ёки тўғрирок айтадиган бўлсак Георгий тасмаси замонавий рамзлардан бирига айланди. Хозирги кунда биз биладиган тарих, бу хукмрон тузумнинг манфаатлари учун кўп асрлик айкаш – уйкаш сохтакорлик ва ёлгондир. Бундай тарих йўқ. Лекин барча, хаттоки сохталаштирилган ёзувлар ва солномалар ўзида хакикатнинг заррасини ташиша, минглаб манбаларни бир орага йигиб, кидирилайётган хакикатни топиш мумкин. У шундай хакикатки, кимларнингдир кўзини очади ва яна кимлар учундир жуда ҳам ёқимсиз бўлади. Тарихий хакикатни излаш, унинг хал килиниши ниҳоятда кизикарли хулосаларга олиб келиши мумкин.

Кизикарли замонавий рамзлардан бири Гвардейский деб аталган ёки тўғрирок айтадиган бўлсак Георгий тасмаси бўлди. Бу рамз кўпчилик ўйлаганидай оддий эмас, унда билинганидан кўра кўпрок сир яширин, холбуки у умуман аскар жасоратининг рамзи эмас, балки у кўп йиллардан бери барча, шу жумладан Россия хукмдорларининг ҳам сохта гоёлари ҳисобланган Учинчи Рим Империясининг рамзидир.

Россиянинг фидокорларидан мана бу саволга жавоб бериши сўралганда:

Сиз тақиб юрган тасма нимани аңлатади?

Ўргатилган ибора билан жавоб беришади:

Мен эсламан, мен фахрланаман!

Тасмадаги ранглар нимани аңлатишини сўрасангиз, жавоблар яна ҳам кизикрок:

Кора ранг тутунни, сариги эса алангани аңлатади.

Ха майли, кулоққа яқин бўлмасада, сарик аланга, бу унчалик ҳам кулгили эмас.

Агар қуйидаги саволларни берсангиз, янада ажабланасиз:

Нима сабабдан қизиклар иккита эмас, бешта?

Нима учун ранглар айнан шундай кетма – кетликда жойлаштирилган?

Демак, хаттоки энг маълумотли тасма тақувчиси ҳам сизнинг бу саволларингизга жавоб бера олмайди, чунки афсуслар бўлсинки, мамлакат олий раҳбариятининг билдирган фикри, тасмани тақиб юрганларда ҳеч қандай шубҳа ўйотмайди. Ва агарда уларга тасманинг бошқа маъноси ҳақида маълумот берилмаган бўлса, демак улар буни билиши жоиз эмас.

Лекин бизнинг ўфқимиз кенгрок ва имкониятларимиз кўпрок, шу сабабли тарихга мурожаат қилган ҳолда, мазкур рамзнинг асл маъноси нима эканлигини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Бошидан бошлаймиз:

Авлиё Гиоргий ўзи қимлигини билмасдан туриб, унинг рамзини ўрганиш аҳмоқлик бўларди.

Авлиё Гиоргий

Авлиё Фаластиннинг рим мустамлакасидаги Лиддада, тахминан 275 йилда тугилган ва 303 йилнинг 23 апрелида вафот этган.

Георгийнинг отаси рим амалдори, онаси эса маҳаллий насроний бўлган.

Ўша даврнинг анъаналарига кўра Георгий рим армиясида хизмат килган ва офицер даражасигача кўтарилган, 303 йилда эса кўп маротаба катл этилган.

Бу эса мана бундай бўлган:

303 йилнинг 23 февralида (яна ўхшашлик) император Диоклетиан рим армиясида энди насронийларга ўрин йўклиги хакида фармон чиказади.

Бу янгиликдан хабар топган Георгий армияда бошқа хизмат килишни хохламайди ва истеъфога чиқишни сўраб мурожаат килади, лекин Диоклетиан каршилиқ билдиради ва ёш офицерга насронийликдан воз кечиши учун ақл бовар килмас микдорда турли хил таклифлар билдиради.

Георгий матонатли эди ва унга килинган хийла – найрангга карамасдан, ўз сўзида собит туради ва эътиқодини муҳофаза килади. Айнан шу сабабли, Георгий ўз эътиқодига канчалиқ содик эканлигини билиш максатида, у император томонидан катл килинади.

Айнан мана шу ерда кизикарли бир ходиса содир бўлади, Георгийни уч марта катл килишади ва у икки марта ажиб холда қайта тирилади. Икки марта у турли хилдаги кўплаб чуқур жарохатлар етказиш орқали катл килинган бўлса, факатгина учинчи мартасида бошини танасидан жудо килиш кераклигини фахмлаб қолишади.

Айнан мана шу афсонадан бошлаб авлиё Георгий ва унинг жасорати, кора – тўқ сарик – кора – тўқ сарик – кора рангли махсус тасма билан айнанлаштирилди.

Бу Диоклетиан томонидан Георгийнинг катл килинишини айнан тасвирлайди, яъни Георгийнинг ўлими, унинг қайта тирилиши, галдаги ўлим, галдаги қайта тирилиш ва катъий охириги ўлим.

Тасмадаги ранглар ҳам шундан дарак беради: кора ранг қахрамоннинг ўлимини, тўқ сарик ранг эса ажойиб қайта тирилишни англатади. .


Мана шу ердан биринчи тасдиқ: Георгий тасмаси чуқур эътиқод, қасамёд, эътиқоднинг бузилмаслиги рамзидир.

Бу тахмин черков вакилларига жуда ҳам ёқади, чунки бу динга садокат белгиси бўлган қахрамонликдир, дейди РПЧ (Россия Православ Черкови). Айнан шу сабабли у буюк валинёнмат насроний сифатида кўқларга кўтарилади: шайтоннинг барча уринишларига карамасдан, эътиқоднинг қули бўлиб қолиш.

Гарб оламига ҳам ушбу ўлим афсонаси маълум, лекин улар Георгийни эътиқоди учун кўрсатган қахрамонлиги учун эмас, аждархо, илон устидан қозонган галабаси учун макташади.







Бизнинг тасмаси – Учинчи Рим рамзи







Восстановление и развитие культуры в Республике Беларусь. Вклад культуры в развитие Республики Беларусь. 26





Орден Отечественной войны I степени, II степени, III степени



